

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2011
июнь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

К.КАРИМОВ

Учта сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун Франкль масаласининг хос функцияларини қуриш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, Ф.РАҲМАТОВ

Мева-сабзавотлар учун инфрақизил қуритиш қурилмаси 12

Ш.ЯКУБОВА, Т.АЗИМОВ, З.ХУСАНОВ, О.ТЎЛАНОВ

Астрономик координаталар тизимлари 14

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Ш.ХАМИДОВ, А.МАТКАРИМОВА, Ш.ТУРСУНОВА

Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis L.*) нинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари 18

У.БОЛТАБОЕВ

Енгил саноатдаги ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган омилларнинг одам организмига таъсирини ўрганиш 21

Р.МАТЬЯКУБОВ, Д.САЛМОНОВА, И.ТУРДИБОЕВ, Ш.АБДУРАЗЗАКОВА

Карбамидформальдегид – (КФО) ва фенолформальдегид олигомерлари (ФФО)ни фурфурил спирти билан сополимерларининг олиниши ва хоссаларини тадқиқ қилиш 24

Х.ТОШЕВ, А.ЕШИМБЕТОВ, А.ХАЙТБАЕВ, Ш.ТУРГУНБОЕВ, Ж.БЕКНАЗАРОВ

Госсипол айrim Шифф асосларининг геометрик ва энергетик характеристикаларини ярим эмпирик усуслда ўрганиш 27

Ш.ЮЛДАШЕВА, Ш.И.ХАСАНОВА

Полиз шираси миқдорий зичлигини бошқариб туришда энтомофагларнинг ўрни 32

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

А.ХАМИДОВ

Ўзбекистонда ландшафт тадқиқотлари ва тармоқ районлаштириш муаммолари 35

Ю.АҲМАДАЛИЕВ, О.АБДУҒАНИЕВ

Фарона водийсида сугориладиган ерларнинг тупроқ-экологик ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолаш 39

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.ТАДЖИБАЕВ

Ўзбекистонда иқтисодий таълим: кеча, бугун ва эртага 42

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

А.ҚАМБАРОВ

Илмий қадриятлар – мамлакатни барқарор ривожлантириш омили 47

Қ.СУЛАЙМОНОВ

Ўрта синф – бозор иқтисодиётининг етакчи кучи 50

Д.НОРМАТОВА

Ахлоқий меросда тарихий-маънавий қадриятлар масаласи 54

Г.МАДРАХИМОВА

Мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигига эътиборнинг кучайтирилиши 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида инсон кечинмаларининг бадий талқини 62

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

УДК: 911.3.63

ФАРГОНА ВОДИЙСИДА СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ ТУПРОҚ-ЭКОЛОГИК ХОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ БАҲОЛАШ

Ю.Аҳмадалиев, О.Абдуғаниев

Аннотация

Мақолада Фарғона водийсида сугориладиган ерларнинг тупроқ-экологик ҳолатидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган ва ишлаб чиқилган тавсиялар келтирилган.

Аннотация

В данной статье анализируются изменения почвенно-экологического состояния орошаемых земель Ферганской долины, приведены разработанные рекомендации.

Annotation

The article analyses the changes of soil-ecological condition of watering lands of Fergana valley, taking into account the evaluations of worked out recommendations.

Таянч сўз ва иборалар: табиий-аграр имконият, тупроқ-экологик индекс, тупроқ кўрсаткичлари, агроклимат кўрсаткичлари, агрокимёвий кўрсаткичлар, интенсификация.

Ключевые слова и выражения: природно-аграрные возможности, почвенно-экологический индекс, почвенные показатели, агроклиматические показатели, агрохимические показатели, интенсификация.

Key words and expressions: natural and agricultural facilities, soil and environmental index, soil indicators, agroclimatic indicators, agrochemical indicators, intensification.

Мустақилликача бўлган даврда ўлкамизда ер-сув ресурсларидан фойдаланишдаги салбий ҳолатларга тўхталиб, республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов шундай ёзди: «Афсуски, охириги юз йиллиқда айнан минтақанинг экологик тизимиға жуда катта зарар етказилди. Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланишдаги анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари унтиб юборилди. Бу қоидаларга кўра, сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди».

Ердан фойдаланишнинг табиий-ташкилий тури колониал мустамлака шароитига тушган мамлакатларда тезлик билан товар-мақсадли ташкилий тур билан алмашиниши ҳақидаги қонуният В.А.Пуляркин (2000) томонидан яратилган эди. Бу шароитда товар экинлари (масалан, пахта)нинг киритилиши ҳар томонлама кучайтирилади. Жойнинг табиий-аграр имкониятидан фойдаланишга асосланган ихтисослашув ўрнини пахта якка ҳокимлиги эгаллайди. Бу ҳолат ерларнинг тупроқ-экологик шароитига охириги 100 йилдан кўпроқ вақт давомида таъсир этиб келди. Мазкур ишда ушбу таъсирнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда, сугориладиган ерлардаги умумий жараён ўрганиб чиқилди. Фарғона водийси табиий-аграр имкониятининг асосини ташкил этувчи ер ресурсларининг ҳолати ва унинг ўзгариш динамикасини аниқлашда Россия Федерацияси ФА

В.В.Докучаев номли Тупроқшунослик институтида ишлаб чиқилган тупроқ-экологик ҳолатни баҳолаш услубиётидан фойдаланилди (Теоретические основы ..., 1991). Мазкур услубиётда худуднинг барча табиий-аграр имкониятлари ҳисобга олинади. Ер ресурсларининг хусусиятлари, худуднинг геоморфологик ҳолати тупроқ ва агрокимёвий кўрсаткичларда ўз аксини топади. Агроклимат ва гидрологик кўрсаткичлар ҳам маҳсус формулалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилади. Шунингдек, ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, бир худуднинг ўзида янгиланган кўрсаткичлар асосида қайта-қайта баҳолаш ўтказиш мумкин. Бундай ёндашувда ўрганилаётган худудда тупроқ-экологик ҳолатининг ижобий ёки салбий томонга ўзгариши, унинг сабабларини таҳлил қилиш ва мақсадга эришиш учун таклифлар бериш имконияти яратилади.

Тупроқ-экологик ҳолатнинг ўзгаришини баҳолаш учун худудий обьект сифатида Фарғона водийсининг табиий-қишлоқ ҳўжалиги районлари тўри олинди. Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги антропоген босимининг жойнинг ўхаш хусусиятга эга бўлган ландшафт турларига таъсири бир хил (ижобий ёки салбий) бўлади. Шунинг учун, табиий-қишлоқ ҳўжалиги районларининг ландшафт асосида такомиллаштирилган тўри бўйича танлаб олинган «калит» ҳўжаликларда баҳолаш ўтказилади. Баҳолашда «калит» ҳўжаликлар

Ю.Аҳмадалиев – ФарДУ, география фанлари доктори, профессор.
О.Абдуғаниев – ФарДУ, камта илмий ходим - изланувчи.

(хозирда қишлоқ хўжалик массивлари) да ўтказилган биринчи (1969-1974 й.й.) ва тўртинчи (1996-2000 й.й.) тур тупроқ бонитировкаси маълумотларидан фойдаланилди. Таклиф этилаётган услубиётга кўра, тупроқ-экологик кўрсаткичлар қуидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$T\mathcal{E}I = 12,5(2-V) \cdot V_{\phi} \cdot Q \frac{\sum t > 10(N_k - N_m)}{KK + 100} \cdot A, \quad (1)$$

бу ерда: $T\mathcal{E}I$ - тупроқ-экологик индекс;
 V - бир метрли қатлам учун ўртача ҳажм масса, $\text{г}/\text{см}^3$;

2 - бир метрли қатлам учун максимал ҳажм масса, $\text{г}/\text{см}^3$;

V_{ϕ} - тупроқнинг фойдали ҳажми (бир метр қалинликда);

Q - тупроқнинг ҳисобга олиниши зарур бўлган кўшимча хоссалари;

$\sum t > 10 - 10^0 C$ - юқори бўлган ўртача йиллик ҳароратлар ийғиндиси;

N_k - намланиш коэффициенти;

N_m - намланиш коэффициентига тўғрилагич;

KK - континенталлик (курғоқчилик) коэффициенти;

A - якуний агрокимёвий кўрсаткич;

12,5 - тупроқ-экологик индексини 100 бирлигига келтириш учун қўйилган коэффициент.

Суғориладиган ҳайдалма ерлар учун тупроқ-экологик кўрсаткичларни ҳисоблаш тартибини Избоскан-Учқўргон табиий – қишлоқ хўжалик райони, Избоскан туманида жойлашган «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги (хозирда массиви) мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу ҳудудда бўз тупроқлар камарининг суғориладиган-ўтлоқи тупроқлари асосий тупроқ айирмаси ҳисобланади. Ҳисобкитоблар қуидаги кетма-кетлиқда бажарилади.

Тупроқ кўрсаткичларини ҳисоблаш. Ҳар бир баҳоланаётган тупроқ учун $2-V$ ва V_{ϕ} кўрсаткичлари тупроқлар механик таркибини ҳисобга олган ҳолда И.И.Карманов маълумотлари бўйича аниқланади (Теоретические основы., 1991, с.168). Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар учун $2-V$ кўрсаткичи 0,65 га, V_{ϕ} коэффициенти 0,93 га тенг эканлиги махсус жадвалдан олинади. Баҳолашда ҳисобга олиниши лозим бўлган тупроқнинг кўшимча хусусиятлари хўжаликларнинг тупроқ харитасидан аниқланади. «Шарқ юлдузи» ширкат

хўжалигининг 1969 йилда тузилган тупроқ харитасида сув эрозияси ва тупроқнинг шўрлашуви қайд этилмаган, шунинг учун бу кўрсаткичларга коэффициент киритилмайди. Ушбу хўжалик тупроқлари учун тош-шағаллик ва рельеф қиялиги каби кўрсаткичларга ҳам пасайтирувчи коэффициент берилмайди.

Асосий минтақа тупроқлари учун гумус миқдорининг ўртача кўрсаткичдан оғишига коэффициент киритилади. Фарғона водийси тупроқларининг ҳайдов қатламида гумуснинг ўртача миқдори М.Абдуллаев ва А.Мақсадов ишларида берилган (Мақсадов, 1990). «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги тупроқларида, 1969 йил ўтказилган текширувда, гумуснинг миқдори 1,21 фоиз эканлиги кўрсатилган. Фарғона водийси тупроқларида гумуснинг ўртача миқдори 2,12 фоизлигини ҳисобга олсан (Мақсадов, 1990. 54 бет), ўртача кўрсаткичга нисбатан мазкур хўжалик тупроқларида гумуснинг миқдори 57,0 фоизни ташкил этади, яъни:

$$\frac{1,21 \cdot 100}{2,12} = 57,0$$

Ҳисоблаш услубиёти бўйича бу ҳолда махсус жадвалдан 0,78 коэффициенти киритилади. Сўнгра тупроқ хусусиятларининг суғориш таъсирида ўзгаришига тузатиш киритилади. Бу кўрсаткич қумли тупроқлар учун 1,00; қумлоқ тупроқларда 0,99; енгил қумоқли тупроқларда 0,97; ўрта қумоқли тупроқларда 0,95; оғир қумоқли тупроқларда 0,93; лойли тупроқларда 0,89 ни ташкил этади (Теоретические основы., 1991). «Шарқ юлдузи» хўжалиги тупроқлари оғир қумоқ механик таркибга эгалиги учун 0,93 коэффициенти киритилади. Юқоридаги барча коэффициентлар ҳисобга олиниб, хўжаликни жамловчи тупроқ кўрсаткичи 5,48 га тенг эканлиги аниқланади, яъни:

$$Ti = 12,5 \cdot 0,65 \cdot 0,93 \cdot 0,78 \cdot 0,93 = 5,48$$

Агрокимёвий кўрсаткичлар.

Суғориладиган ҳайдалма ерлар учун озиқлантирув элементларнинг турлича миқдори майдонга нисбатидан келтириб чиқарилади. «Шарқ юлдузи» хўжалиги суғориладиган тупроқлари, 1969 йилда ўтказилган агрокимёвий текширишда қуидагича миқдордаги ҳаракатчан фосфорга (P_2O_5) эга бўлган: жами майдоннинг 2,0 фоизи-жуда оз; 11,0 фоизи-оз; 36,0 фоизи-ўртача; 40,0 фоизи-юқори; 11,0 фоизи-жуда юқори. Ҳар бир гурух учун мос келувчи коэффициент

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

(Теоретические основы, 1991., 194 б.) олинади ва умумий коэффициент аниқланади, яъни:

$$2,0 \cdot 0,93 + 11,0 \cdot 0,97 + 36,0 \cdot 1,00 + 40,0 \cdot 1,03 + \\ + 11,0 \cdot 1,06 : 100 = 1,01$$

Алмашинувчи калий (K_2O) коэффициенти ҳам бонитировка маълумотларидан фойдаланиб, юқоридаги тартибда ҳисоб-китоб ишларини бажариш орқали аниқланади, яъни:

$$2,0 \cdot 0,95 + 36 \cdot 0,98 + 40,0 \cdot 1,00 + 13,0 \cdot 1,02 + \\ + 9 \cdot 1,04 : 100 = 0,99$$

«Шарқ юлдузи» хўжалигида суғориладиган ҳайдалма ерларни жамловчи агрокимёвий кўрсаткичи 0,99 га teng бўлади, яъни:

$$1,01 \cdot 0,99 = 0,99$$

Иқлим кўрсаткичларини ҳисоблашда табиий-қишлоқ хўжалик районлаштиришини ўтказишда ҳисобга олинган ландшафт хусусиятларига эътибор берилади. «Шарқ юлдузи» хўжалиги жойлашган қия текислик ландшафтларида +10 градусдан юқори бўлган йиллик температура йиғиндиси 4400 градусга teng, баҳолаш услубиёти бўйича намланиш коэффициенти ($N_k - N_m$) суғориладиган ҳайдалма ерлар учун 1,10 олинса, қурғоқчилик коэффициенти КК 218 бўлгани ҳолда 200 деб, қабул қилинади. Бунда жамловчи иқлим кўрсаткичи 16,1 га teng бўлади, яъни:

$$\frac{4400 \cdot 1,10}{200 + 100} = 16,1$$

Шундай қилиб, баҳолашнинг жамловчи кўрсаткичи (тупроқ-экологик индекси) тупроқ, агрокимёвий ва иқлим кўрсаткичлари кўпайтмасига teng бўлади. Ўрганилаётган хўжалик тупроқ-экологик индекси 1969 йилларда 87,3 ни ташкил этган:

$$ТЭИ=5,48 \cdot 0,99 \cdot 16,1 = 87,3$$

Мазкур хўжалиқда 1996-2000 йилларда ўтказилган тупроқ бонитировкаси маълумотлари билан янгиланган агрокимёвий ва иқлим кўрсаткичлари асосида қайта баҳолаш амалга оширилади. Асосий эътибор юқоридаги кўрсаткичларда юз берган ўзгаришларга қаратилади. Натижা, ўтган вақт давомида «Шарқ юлдузи» хўжалиги тупроқларини жамловчи тупроқ-экологик индекси (ТЭИ) 76,00 га пастлаганини кўрсатди:

$$4,90 \cdot 0,97 \cdot 16,0 = 76,00.$$

Олинган натижаларни солиштириш орқали ҳар бир ўрганилаётган худудда тупроқлар ҳолатининг ўзгаришига иммий асосланган хуоса чиқариш имконияти туғилади. Бундай ўзгаришнинг боришини башорат қилиш ёки у салбий томонга бўлса, олдини олиш чорасини кўриш мумкин. Услубиётдан фойдаланишнинг яна бир қулай томони худуд табиий-аграр имкониятининг таркибий бирликлари тупроқ, агроиқлим, гидрологик ва геоморфологик шароитлар алоҳида ҳолда ёки биргаликда баҳоланиши, қайси унсурнинг ўзгариши ҳосилдорлик учун салбий томонга бораётганлигини олдиндан айтиш мумкин.

Фарғона водийсида табиий-аграр имкониятни, жумладан, ер ресурсларининг тупроқ- экологик ҳолати пастлаб боришига таъсир этувчи омиллар орасида бошқалар билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигини ортиқча интенсификациялаш ҳам мавжуд. Шунинг учун, ерларнинг тупроқ-экологик ҳолатини яхшилашга хизмат қиласидиган бошқа агромелиоратив тадбирларнинг аҳамиятини камайтирумаган ҳолда, қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш ва антропоген босим миқдорини ижтимоий-экологик жиҳатдан мақбул меъёрини ишлаб чиқиш республикамизда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиш йўлига ўтишидаги дастлабки қадам бўлади.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
- Максудов А. Изменение почвенно-экологических условий Ферганской долины под антропогенным воздействием. – Тошкент : Фан, 1990.
- Шашко Л.Л., Дурманов Д.И., Карманов И.И. Ефремов В.В. Теоретические основы и пути регулирования плодородия почв. – Москва: Агропромиздат. 1991.